

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.I.60.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САРИМСАКОВ ДОНИЁР ХОМИДОВИЧ**

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ**  
**БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**08.00.13 - Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Саримсаков Дониёр Хомидович**

Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигини ошириш.....3

**Саримсаков Дониёр Хомидович**

Повышение эффективности управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях.....27

**Sarimsakov Doniyor Khomidovich**

Improving the efficiency of innovation management at industrial enterprises.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.1.60.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САРИМСАКОВ ДОНИЁР ХОМИДОВИЧ**

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ**  
**БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**08.00.13 - Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Iqt1739 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.adu.uz](http://www.adu.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталига ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мадрахимов Улугбек Абдухалилович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ханкелдиева Гузал Шеровна**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расулов Нодирбек Мадрахимович**  
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

Наманган давлат университети

Диссертация химояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.1.60.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» 11 соат 17 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129-уй, Telefon/faks: 0 (374) 223 88 30, email: [agsu\\_info@edu.uz](mailto:agsu_info@edu.uz))

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1004 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129-уй, Telefon/faks: 0 (374) 223 88 30, email: [agsu\\_info@edu.uz](mailto:agsu_info@edu.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил «17» 11 кун тарқатилди.  
(2021 йил «17» 11 даги 10-рақамли реестр баённомаси).

  
**Н.И.Аскар**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор  
**У.И.Мараимова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент  
**Қ.Муфтайдинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

### **КИРИШ (диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобализация жараёнининг чуқурлашуви, айниқса «Covid-19» эпидемияси билан боғлиқ муаммолар жаҳон хўжалигининг ривожланиш кўрсаткичларига ўз салбий таъсирини кўрсатиб, мамлакатларда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш, жумладан, корхоналарнинг инновацион бошқарув марадорлигини ошириш заруриятини вужудга келтирди. Тараққий этган мамлакатларда ўрта ҳисобда ЯИМнинг 50 фоиздан ортиқ улуши айнан инновацион фаолият ҳисобига яратилади. Жумладан, «Глобал инновацион индекс–2020» маълумотларига кўра, 87,9 фоиз Швейцария, 78,0 фоиз АҚШ, 76,0 фоиз Швеция каби мамлакатлар жаҳонда инновацияларни миллий иқтисодиёт тармоқларига татбиқ этишда етакчи улушга эга. Шунингдек, инновацион фаолиятнинг мамлакатлар иқтисодиёти ривожланишига таъсири АҚШда 51,8 фоиз, Швейцарияда 50,8 фоиз ва Швецияда 39,7 фоизни ташкил этмоқда<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан ҳам бугунги кунда тараққий этган мамлакатлар миллий иқтисодиёти тармоқлари ва корхоналарида инновацион бошқарув самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хорижий мамлакатларда саноат корхоналари инновацион фаолиятини бошқариш самарадорлигини ошириш асосида уларни барқарор ривожлантириш борасида кўплаб изланишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, илмий изланишлар таркибида саноат корхоналари бошқарувининг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш, инновацион самарадорликни ошириш имкониятлари ҳамда инновацион ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, улар билан боғлиқ омилларни аниқлаш ва эконометрик моделлаштириш йўналишларидаги тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда сўнги йилларда инновацион иқтисодиётни шакллантириш, уни ривожлантириш бўйича кенг кўламли иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. «Иқтисодиётнинг реал сектори ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларидан келиб чиқиб илмий фаолият натижалари, инновацион маҳсулотлар ва хизматлар, шу жумладан янги қурилмалар, материаллар ҳамда технологияларни яратиш, жорий этиш, кўпайтириш ва уларни тижоратлаштириш<sup>2</sup>» вазифаси белгиланган. Бу борада инновацион бошқарувни ташкил этиш тамойиллари ва усулларини такомиллаштириш, саноат корхоналарининг инновацион бошқарув самарадорлигини баҳолаш, инновацион бошқарув стратегияси ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сингари йўналишларда илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион

<sup>1</sup> The Global Innovation Index 2020: Who Will Finance Innovation? Is the result of collaboration between Cornell University, INSEAD, and the World Intellectual Property Organization (WIPO) as co-publishers, and their Knowledge Partners? 2020. P. 341. <https://www.globalinnovationindex.org/gii-2020-report>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелда «Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5047-сон Қарори / lex.uz

ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020 йил 29 октябрда ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 7 майда ПҚ-3698-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 1 апрелда «Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5047-сон Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишга ушбу диссертация хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Саноат корхоналарига инновацияларни жорий этиш, уларни ривожлантириш, бошқариш жараёнларини самарали ташкил этиш бўйича қатор тадқиқотларда эътибор қаратилган. Жумладан, саноат корхоналарида инновацион бошқарувни ривожлантиришнинг замонавий назариялари ва уни бошқаришнинг ўзига хос жиҳатларига узоқ хориж олимлари В.Рюгемер, Л.Фредериксон, Г.Кереин, К.Вебер, Ф.Каррилло, К.Клинсевич, К.Миязаки<sup>3</sup> кабилар томонидан тадқиқ этилган.

МДХ давлатларида саноат корхоналарида инновацион фаолиятини бошқариш, уларни баҳолаш, стратегияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга оид изланишларда Э.В.Эвтушенко, З.М.Исакова, Л.Калачева, И.Лапина, С.Ф.Сайфулина, Л.А.Климова, С.А.Князев, В.А.Паздерина, К.А.Санникова, Л.И.Шамгулова, Е.С.Беляева, Г.Б.Горбунова, С.В.Еремеева, Г.И.Жиц, Д.И.Кокурин, Т.В.Колосова, С.В.Кочетков, Е.А.Лясковская, Л.А.Панчева, В.Н.Суязов<sup>4</sup> каби олимлар ишларида аксини топган.

<sup>3</sup> В.Рюгемер «Новая техника старое-общество. Перевод с немецкого В.Иванова. – М. Полтиздат, 1988 –252 с. <https://www.kernunternehmenach-folge.com/weiche-faktoren-steigerung-unternehmenswertes/>

<sup>4</sup>Evtushenko E.V. Otsenka innovatsionnogo potentsiala predpriyatiya//Evtushenko.E.V., YUsupova E.R.// Ekonomika i upravlenie: nauchno-prakticheskiy jurnal. - 2014. - №5(121). – S. 63-68.; Isakova, Z.M (2019) «Implementation of project management systems: conditions for implementation in the description and innovative economy,» Economics and Innovative Technologies: Vol. 2019: No. 3, Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss3/12/>; L.Kalacheva, D.Savon «Innovation activities of enterprises of the coal industry to improve productivity»//Baltic Journal of Real Estate Economics and Construction Management. 2014. Vol. 2. -P.11-15; Lapiņa I. Development of managers competence model in dynamic environment. //Proceedings of the 19th World Multi –Conference on Systemics, Cybernetics and Informatics. -2015, July. 2. -P. 219-224; Sayfullina S.F. Ponyatie innovatsionnoy vospriimchivosti predpriyatiya. /Problemiy razvitiya sovremennoy ekonomiki. Sb. stat. IV Mejdunarodnoy nauchnoprakticheskoy konferensii. Stavropol, 2014. –S. 52-56; Климова Л.А. Инновационное развитие предприятия : [монография]. –Могилев: Белорус.2017. –С.215; Князев С.А. Оценка инновационного потенциала предприятия.//Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер. 3, Экон. Экол. 2010, №1(16), -С.34; Паздерина В.А. Стратегическое управление инновациями. // Экономика и бизнес: теория и практика. -2015, -№10. -С.108-112.; Санникова К.А. Управление инновационным предприятием: ключевые понятия, особенности, примеры. // Современные технологии управления. ISSN 2226-9339. -№2 (92). -2020-05-11; Шамгулова Л.И. Методы управления инновационным потенциалом. // Молодой ученый. -

Ўзбекистонда Ш.Н.Зайнутдинов, М.А.Махкамова, Ш.И.Отажонов, Н.М.Расулов, Б.А.Абдуллаев, Г.Д.Хасанова, Т.З.Тошпулатов, И.И.Солиев, Г.Б.Шоназарова, О.Э.Эрназаров<sup>5</sup> каби олимлар изланишларида иқтисодий инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, жумладан, саноат корхоналарининг инновацион фаолиятини бошқаришда инсон омилининг ролини оширишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилган.

Бироқ, республикада саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигини оширишга бағишланган назарий-амалий масалалар комплекс тарзда, тизимли, махсус тадқиқот объекти сифатида таҳлил этилмаган. Тадқиқот ишида саноат корхоналарида инновацион бошқарувни ривожлантириш, уни такомиллаштириш, жумладан, инновацион бошқарув самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари эътиборга олинган бўлиб, бу эса танланган тадқиқот мавзусининг долзарблиги, мақсади ҳамда унда ҳал этиладиган масалалар доирасини белгилашга кенг имкониятлар яратиб беради.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Андижон давлат университети ва «Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар» институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20200125 «Саноат корхоналарини инновацион салоҳиятини баҳолашнинг миллий рейтинг тизимини ишлаб чиқиш» мавзусидаги (2020-2021) амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

---

2019. -№4(242). -С.274-277; Беляева Е.С. Совершенствование управления инновационной деятельностью промышленного предприятия на основе оценки инновационного потенциала: автореф. дис. к.э.н. -Барнаул: АГУ, 2007. -С.23; Горбунов, Г.Б. Инновационный потенциал как фактор развития современного предприятия: автореф. дис. к.э.н. -МАГМУ, 2006. -С.23; Еремеева С.В. Инструменты оценки и управления развитием инновационного потенциала наукоемкого предприятия РКП. Дисс. к.э.н. -Красноярск 2015. -С.130; Жиц Г.И. Методология управление формированием и эффективным использованием инновационного потенциала экономических систем: дис. д-ра экон. наук. -Саратов: СГТУ, 2001. -356 с; Колосова Т.В. Обеспечение устойчивого развития предприятия на основе повышения его инновационного потенциала: дис. д.э.н. -Новгород: «ННГАСУ», 2011. -288 с.; Кочетков С.В. Управление развитием инновационного потенциала промышленного предприятия: автореф. дис. д.э.н. -СПб.: ФИНЭК, 2011. -С.41; Лясковская Е.А. Управление инновационным развитием предприятия по показателям устойчивости: дис. д.э.н. - Челябинск: ЮУрГУ, 2009. -342 с.; Панчева Л.А. Формирование эффективной системы управления инновационным потенциалом промышленного предприятия на принципах инвестиционно-производственного менеджмента: автореф. дис. к.э.н. -Орел, 2006. -С.21; Суязов В.Н. Комплексная оценка эффективности инновационного развития научно-производственных организаций: автореф. дис. к.э.н. -Саратов: СГТУ, 2011. -С.25.

<sup>5</sup> Зайнутдинов Ш.Н., Расулов Н.М. Инновацион менеджмент (дарслик).-Т.:»Инновацион ривожланиш нашриёт-матба уйи», 2020. -Б.540.; Абдуллаев Б.А. Инновацион фаолиятнинг бошқарувини такомиллаштириш: и.ф.н. дисс. Авторефер. -Т., 2002., -Б. 27; Махкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях Республики Узбекистан: автореф. дис. ...д.э.н. -Т.: ТГТУ, 2004. -С. 45; Хасанова Г.Д. Саноат корхоналари инновацион фаолияти самарадорлигини ошириш: и.ф.н., дисс. авторефер. -Т., БухДУ, 2006, -Б.26; Отажонов Ш.И. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш: и.ф.д. (DSc) дисс. авторефер. -Т.: ТДИУ, 2018, -Б.95; Расулов Н.М. Корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш услугиетини такомиллаштириш: (DSc) дисс. авторефер. -Т., 2021, -Б.81; Тошпулатов Т.З. Развитие инновационной деятельности в промышленности Республики Узбекистан: авторефер. дис... к.э.н. -Т.: Институт экономики АН РУз., 2004, -С.24; Солиев И.И. Развитие инновационных процессов в сфере связи и информатизации Узбекистана: авторефер. дис... к.э.н. -Т.: Институт экономики АН РУз, 2010, -С.23, Шоназарова Б.Г. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш механизмларини такомиллаштириш: PhD дисс. автор.. -Т.: 2018. -Б.56; Эрназаров О.Э. Инновациялар асосида саноат корхоналари самарадорлигини ошириш: PhD дисс. автор.. -Т.: 2020. -Б.60.

**Тадқиқотнинг мақсади** саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

саноат корхоналарини инновацион бошқаришнинг моҳияти ва унинг ривожланиш босқичларининг назарий асослаш;

инновацион бошқарувни ташкил этиш тамойиллари ва усулларини аниқлаш;

саноат корхоналарининг инновацион бошқарув самарадорлигини баҳолаш жиҳатларини ёритиш;

саноат корхоналарини инновацион бошқарув самарадорлигини оширишнинг асосий омилларини таҳлил қилиш;

саноат корхоналарининг инновацион бошқаруви таҳлили ва ҳозирги ҳолати бўйича мавжуд муаммоларни аниқлаш;

саноат корхоналарнинг инновацион бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш зарурияти ва унинг таркибий компонентларини асослаш;

саноат корхонасида инновацион самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш;

саноат корхоналарининг инновацион ривожланиш стратегияси ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг устувор жиҳатларига қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Андижон вилоятидаги саноат корхоналари ва уларни бошқарув фаолияти танлаб олинган.

**Тадқиқот предмети** бўлиб, саноат корхоналарини инновацион бошқаруви самарадорлигини ошириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гуруҳлаш, эконометрик таҳлил ва прогностлаштириш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

саноат корхоналарида инновацион бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг индикаторлар тизими орқали корхоналарни инновацион бошқариш ҳолатини баҳолашнинг қуйи (0-39%), ўрта (40-79%), юқори (80-100%) даражалари ишлаб чиқилган;

Андижон вилоятидаги айрим текстиль ва тўқимачилик саноати корхоналарининг инновацион салоҳияти рейтинг мезонларини (0-1,0) «инвестицион», (1,01-1,65) «рақобатбардош» ва (1,65-2,0) «салоҳият» шкалалар бўйича баҳолаш асосланган;

вилоят саноат корхоналарига янги технологияларни устувор қўллаш ва унинг негизида рақобатбардошлик даражасини кўтариш ҳамда янги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтирилиши эвазига кўшимча имкониятларни 30 фоизга оширилишига олиб келиниши асосланган;

«Нил гранит» МЧЖни инновацион фаолиятини бошқариш омиллари орқали 2021-2025 йилларга инерцион, фаол, мақсадли прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.



**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

саноат корхоналарида инновацион бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг индикаторлар тизими орқали корхоналарни инновацион бошқариш ҳолатини баҳолаш даражалари аниқланган;

саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолаш рейтинг мезонлари ишлаб чиқилган;

«Нил гранит» ва «Хўжаобод Гранд текстил» МЧЖларда инновацион бошқариш самарадорлигини индикаторлар тизими орқали натижадорлиги аниқланган;

«Нил гранит» МЧЖни инновацион фаолиятини бошқаришга таъсир этувчи омиллар асосида 2021-2025 йиллар бўйича прогнозлари ҳисоб-китоб қилинган.

йирик, ўрта ва кичик саноат корхоналарини инновацион бошқаруви самарадорлигини ошириш мақсадида «Худудий-инновацион саноат маркази»га йўналтириш таклифи асосланган.

**Тадқиқотнинг натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлил жараёнида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Андижон вилояти ҳокимияти, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва илмий асосланганлиги, келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг ваколатли давлат органлари томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот жараёнида олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан мамлакатимиз саноат корхоналарида инновацион бошқарувни такомиллаштириш, саноат корхоналарини инновацион ривожлантириш бўйича давлат дастурларининг қамров даражасини ошириш ва уларни амалга оширишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштиришга қаратилган махсус илмий-тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти олинган натижалар, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимияти, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа давлат бошқаруви органлари томонидан саноат корхоналарини инновацион бошқариш амалиётини такомиллаштиришда, олий ўқув юртларида ўқитиладиган «Иқтисодиёт назарияси», «Менежмент», «Креатив тадбиркорлик асослари» фанларининг ишчи-ўқув дастурларини такомиллаштириш ва талабаларга таълим бериш жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигини ошириш борасида ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

саноат корхоналарида инновацион бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг индикаторлар тизими орқали корхоналарни инновацион бошқариш ҳолатини баҳолашнинг қуйи (0-39%), ўрта (40-79%), юқори

(80-100%) даражалари бўйича таклифи «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси томонидан фойдаланилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 24 августдаги 04/25-2472-сон маълумотномаси). Натижада, тўқимачилик саноати корхоналарининг инновацион бошқаруви самарадорлиги ўртача кўрсаткичи 64,2 фоизга тенглиги ҳамда инновацион бошқариш ҳолатини баҳолашнинг қуйи, ўрта, юқори даражадаги мезонлари аниқланган.

Андижон вилоятидаги айрим текстиль ва тўқимачилик саноати корхоналарининг инновацион салоҳияти рейтинг мезонларини (0-1,0) «инвестицион», (1,01-1,65) «рақобатбардош» ва (1,65-2,0) «салоҳият» шкалалар бўйича баҳо-лаш асосланган таклифи «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси томонидан фойдаланилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 24 август-даги 04/25-2472-сон маълумотномаси). Натижада  $R_j$  нинг қиймати энг кичик бўлган корхона «Нил Гранит» МЧЖ  $R_1=0,64$ , «Digital Prime Textiles» МЧЖ  $R_2=0,72$  ҳамда «Бобур ХБК» МЧЖ  $R_3=0,75$  га тенглиги аниқланган. Буларга асосланиб, «Нил Гранит» МЧЖ корхонасини рейтингини энг юқори, кейинги ўринларни мос равишда «Digital Prime Textiles» МЧЖ, «Бобур ХБК» МЧЖ корхоналар хиссасига тўғри келганлиги асосланган.

вилоят саноат корхоналарига янги технологияларни устувор қўллаш ва унинг негизида рақобатбардошлик даражасини кўтариш ҳамда янги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтирилиши эвазига қўшимча имкониятларни 30 фоизга оширилишига олиб келиниши асосланган таклифидан «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси томонидан фойдаланилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 24 августдаги 04/25-2472-сон маълумотномаси). Натижада Андижон вилоятидаги саноат корхоналарида инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 9,2 фоиз қўшимча ошириш имконияти яратилган.

«Нил гранит» МЧЖни инновацион фаолиятини бошқариш омиллари орқали 2021-2025 йилларга инерцион, фаол, мақсадли прогноз параметрлари бўйича таклифи «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси томонидан «Нил гранит» МЧЖни 2025 йилгача ривожлантириш стратегиясида ўз аксини топган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 24 августдаги 04/25-2472-сон маълумотномаси). Натижада «Нил гранит» МЧЖнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси ишлаб чиқилган ҳамда малакали ходимлар улушининг салмоғини 2,3 фоизга ижобий ўзгаришига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот иши натижалари бўйича 3 та жумладан, 2 та халқаро ҳамда 1 та республика илмий-амалий анжуманларида апробацияларидан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот иши мавзусида жами 15 илмий иш, жумладан, Ўзбекистон республикаси ОАКнинг докторлик диссертацияси бўйича чоп этилган илмий журналда 3 та илмий мақола, 1 та хорижий журналда, 11 таси халқаро ва республика илмий амалий конференцияларида чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган. Унинг умумий ҳажми 129 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва илмий аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг республикада олиб борилаётган фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, унинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари очиб берилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши, ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Саноат корхоналарида инновацион бошқарув самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида саноат корхоналарини инновацион бошқаришнинг моҳияти ва ривожланиш босқичлари, уни ташкил этиш тамойиллари ва усуллари ҳамда унинг самарадорлигини баҳолаш жиҳатлари ёритиб берилган.

Муаллиф кўп сонли иқтисодчи олимларнинг илмий ишларини таҳлил қилиш асосида инновацион бошқарув нуктаи назаридан инновация тушунчасига муаллифлик таърифини ишлаб чиққан. Иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифлардан келиб чиқиб, **инновация** – деганда фаолиятни ёки ишлаб чиқариш жараёнини янги технологиялар, янги маҳсулот, хизматлар жорий қилиш орқали иқтисодий самарадорликни оширишга қаратилган фаолият натижасидир.

Муаллифнинг фикрича, мамлакатимиз саноат корхоналарида инновацион бошқарув самарадорлигини оширишда корхонанинг стратегик ривожланиш мақсадларида инновацион фаолиятга оид ривожланиш йўналишларини шакллантириш, инновацияларни амалиётга табиқ этиш бўйича тегишли чоратadbирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бунда инновацион бошқарув мақсадлари дарахтини шакллантиришда юқорида таклиф этилган усулдан фойдаланиш юқори самарадорликка эришиш билан бир қаторда, корхонанинг инновацион ривожланишининг барқарорлигини таъминлаш учун замин яратади.

Тадқиқот натижалари бўйича муаллиф, саноат корхоналарини инновацион фаолиятини бошқариш самарадорлиги, уни рақобатбардошлиги кўрсаткичини яхшиланишига қандай дастаклар орқали таъсир этиши мумкинлиги 1-расмда келтириб ўтилган.

Муаллиф диссертация ишида саноат корхоналарида инновацион бошқарув самарадорлигини умумий ҳолда баҳолаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди:

$$\text{ИБХС}_{\text{коэф}} = \frac{\sum \text{ИБСК}}{1000} * 100\% \quad (1)$$

Бу ерда:

$\text{ИБХС}_{\text{коэф}}$  – саноат корхонасининг инновацион бошқаруви ҳолати ва унинг самарадорлиги коэффиценти

$\sum \text{ИБСК}$  – саноат корхонасининг инновацион бошқарув ҳолати ва самарадорлиги кўрсаткичлари бўйича қайд этган натижаларининг йиғиндиси.



**1-расм. Саноат корхоналарида инновацион фаолиятини бошқаришнинг рақобатбардошлик даражасининг ортишига таъсири<sup>6</sup>**

Саноат корхоналари инновацион фаолиятини бошқариш самарадорлигини баҳолашда янги технологияларни ўзлаштириш, кадрларни ўқитиш ва квалификациясини ошириш харажатлари ҳамда прогрессив техникаларнинг ўртача йиллик қиймат омилларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

**1-жадвал**

**Саноат корхонасида инновацион бошқариш ҳолати ва унинг самарадорлиги бўйича олинган умумий кўрсаткичларнинг гуруҳланиши<sup>7</sup>**

ИБХС <sub>коэф</sub>	Бошқариш самарадорлиги даражаси	Корхонанинг инновацион бошқариш самарадорлиги кўрсаткичининг тавсифланиши
0-39 %	Қуйи даражада (қониқарсиз)	Корхонанинг инновацион бошқариш самарасиз ҳисобланиб, унда инновацион фаолиятни ташкил этилишида ресурслардан ноқилона фойдаланилади
40-79 %	Ўрта даражада (қониқарли)	Корхонада инновацион бошқариш яхши йўлга қўйилмаган, ёки тегишли камчиликларнинг мавжудлиги сабабли инновацион бошқарувда кўзланган мақсадларга тўлиқ эришилмайди, жумладан, инновацион фаолиятни ташкил этишда ресурслардан етарли даражада самарали фойдаланилмайди.
80-100 %	Юқори даражада (самарали)	Корхонада инновацион бошқариш тўғри ва самарали йўлга қўйилганлиги сабабли инновацион фаолият юқори натижаларга эришиш имконини беради. Жумладан, корхонада инновацион фаолиятни ташкил этилишида ресурслардан оқилона фойдаланилади.

<sup>6</sup> Муаллиф томонидан тузилган

<sup>7</sup> Муаллиф томонидан тузилган

Якуний ҳисоблаш амалиётидан олинган натижалар 1-жадвалда жамланган. Бу орқали саноат корхонасининг инновацион бошқариш ҳолати ва унинг самарадорлиги қай даражада эканлиги ҳақида тегишли хулосалар чиқарилган.

Саноат корхоналарини инновацион салоҳиятини баҳолашда рейтинг усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунинг учун рейтинг усулини корхона, тармоқ ва соҳалар кесимида ёки ҳудудларнинг инновацион салоҳиятини баҳолашда фойдаланиш мумкин. Бундай рейтингли баҳолаш усулини амалиётга жорий этиш натижасида корхоналар фаолиятини ривожлантириш, рақобатбардошлик даражасини ошириш борасида янги имкониятларни излаб топишдан иборат бўлади (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолаш рейтинг мезонлари<sup>8</sup>

Рейтинг мезонлари	Баллар
<b>1. Инновацион муҳит</b>	<b>0-30</b>
Инновацион корхона	0-10
Инновацион салоҳият	0-10
Корхонанинг рақобатбардошлик даражаси	0-5
Ишлаб чиқариш даражаси	0-5
<b>2. Ишчи ходимлар учун ажратилган капитал</b>	<b>0-15</b>
Корхонада банд бўлган ишчилар сони	0-5
Ишчи ходимларни меҳнат салоҳияти	0-5
Илмий тадқиқот ва ишланмаларни бажарган ходимлар сони	0-5
<b>3. Инновацион фаолият натижадорлиги</b>	<b>0-20</b>
Илмий ишланма ва таклифларни бажарадиган ходимлар сони	0-5
илмий тадқиқот ва ишланмалар сони	0-5
илмий тадқиқот ва ишланмаларни бажарган саноат корхоналар сони	0-5
саноат корхоналари бўйича жорий қилинган технологик инновациялар сони	0-5
<b>4. Инновацион фаолият учун сарфланган маблағлар</b>	<b>0-15</b>
илмий ишланма ва таклифлар учун харажатлар	0-5
маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар	0-5
техника-технологиялар учун инновацияларга харажатлар	0-5
<b>5. Корхонанинг иқтисодий ривожланиш ҳолати</b>	<b>0-20</b>
Инновацион фаол корхоналарнинг улуши	0-5
корхонанинг рентабеллик даражаси	0-5
корхонанинг меҳнат унумдорлиги даражаси	0-5
корхонанинг ялпи саноат маҳсулотларидаги улуши	0-5
<b>Жами:</b>	<b>100</b>
<b>Рейтинг мезонлари</b>	<b>Баллар</b>

Биз томондан таклиф этиладиган рейтинг усулида бошқа усулларга ўхшаб 0 дан 100 балгача бўлган ораликда баҳоланади. Ушбу услубиётдаги баҳолаш кўрсаткичларини аниқлашда мезонларга асосланган ҳолда рейтингни белгилаш талаб этилади.

<sup>8</sup> Муаллиф ишланмаси

Миллий рейтинг мезонларига бўйича саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни баҳолаш кўрсаткичларини бир неча босқичга бўлинади:

1. Саноат корхоналарини инновацион салоҳиятни белгиловчи бошланғич маълумотлар  $k_{ij}$  кўринишидаги матрица орқали жадвал тузилади, устун кўрсаткичлари ( $i=1,2,3\dots n$ ) ва каторида корхоналар номи ( $j=1,2,3,\dots m$ ) ёзилади.

2. Ҳар бир кўрсаткич бўйича максимал миқдор топилиб, эталон сифатида алоҳида белгилаб қўйилади.

$k_{ij}$  кўринишидаги матрица орқали бошланғич маълумотлар эталон кўрсаткичига нисбатан ифодаланади:

$$x_{ij} = \frac{k_{ij}}{\max k_{ij}} \quad (2)$$

3. Ҳар бир  $j$ - саноат корхонанинг рейтинг баҳоси қуйидагича баҳоланади:

$$R_j = \sum_{i=1}^n \sqrt{(1-x_{ij})^2} \quad (3)$$

4.  $R_j$  кўрсаткичи энг кичик бўлган саноат корхонасининг рейтинг баҳоси энг баланд бўлади.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда унга миқдорий баҳо бериш орқали саноат корхонасини инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш хажмига оид омилларни ўзаро боғлиқлигини аниқловчи уч омилли регрессия функцияси тузилди:

$$Y = f(YATOX, KOKOX, KPTOYQ) \quad (4)$$

Бу уч омилли функцияга таъсир этувчи омилларни ўрганган ҳолда саноат корхонасини инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш хажми модели қуйидагича кўринишга эга:

$$\ln(Y) = \beta_0 + \beta_1 * \ln(YATOX) + \beta_2 * \ln(KOKOX) + \beta_3 * \ln(KPTOYQ) + \mu, \quad (5)$$

Бу ерда:

$Y$ – саноат корхонасини инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш хажми;

$YATOX$ – янги технологияларни ўзлаштириш харажатлари;

$KOKOX$ – кадрларни ўқитиш ва квалификациясини ошириш харажалари;

$KPTOYQ$ – корхонадаги прогрессив техникаларнинг ўртача йиллик қиймати;

$\beta_0, \beta_1, \beta_2, \beta_3$  – регрессион коэффицентлар;  $\mu$  – ўртача хатолик даражаси.

Моделда саноат корхонасини инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш хажмига таъсир этадиган харажатлари олинган. Саноат корхоналарининг инновацион бошқариш самарадорлигига таъсир этувчи кўрсаткичлар киритилмаган.

Диссертация ишининг «Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқаришнинг жорий ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобида, инновацион бошқарув самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари, саноат корхонасининг инновацион бошқаруви ҳамда корхонанинг инновацион ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурияти, унинг таркибий қисмлари таҳлил этилган ва мавжуд муаммолар аниқланган.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2008-2020 йилларда мамлакатимизда корхоналарнинг инновацион фаолият билан шуғулланишга бўлган қизиқиши юқори эмас. Хусусан, корхоналар хўжалик юритиш амалиётида инновацион фаолият билан шуғулланувчи корхоналар сонининг ортишига параллел равишда инновацияларни жорий қилиш кўрсаткичи ҳам ортиб борган. 2008 йилда инновацион фаолиятни ўз амалиётига тўғри келган ҳар бир корхонага ўртача 2,2 та инновацион лойиҳа тўғри келган бўлса, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 2,4 тага тенг бўлди. Шунингдек, корхоналар инновацион фаолиятининг самарадорлиги кўрсаткичи, яъни корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган жами инновацион маҳсулотлари (товарлар, ишлар ва хизматлар) ҳажми билан инновацион лойиҳани амалиётга татбиқ этиш учун сарфланган жами харажатлар ўртасидаги нисбат ўрганилаётган даврда 2008 йилдаги 2,5 баробарлик кўрсаткич 2020 йилга келиб ўрта ҳисобда 4,0 баробарга тенг бўлди (2-расмга қаранг).



**2-расм. Ўзбекистонда корхоналарнинг инновацион фаолияти билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили<sup>9</sup>**

Ушбу ҳолат бевосита корхоналарда инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича бошқарув амалиётининг бир мунча такомиллашганлигидан далолат беради. Аммо, корхоналар инновацион бошқарувининг ривожланганлик даражаси халқаро талабларга тўлиқ мос келмайди. Амалга оширилаётган тадқиқотларимиз натижаларига янада аниқлик киритиш мақсадида, танланма усул асосида Андижон вилояти иқтисодиётида турли соҳаларида яъни текстиль ва тўқимачилик, фармацевтика, қурилиш материаллари саноатида фаолият олиб бораётган саноат корхоналарининг инновацион бошқаруви самарадорлигини баҳолаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунда юқорида таклиф этилган баҳолаш

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>

услугиёти (ИБХС<sub>коэф</sub>) асосида турли саноат корхоналарининг 2017-2020 йиллардаги инновацион бошқаруви самарадорлигини қиёсий таққослашни амалга оширдик (3-жадвал).

3-жадвал

**Айрим саноат корхоналарининг инновацион бошқаруви самарадорлигининг (ИБХС<sub>коэф</sub>) ривожланиш тенденциялари<sup>10</sup>**

№	Саноат корхоналари номи / йиллар	Инновацион бошқарув самарадорлиги кўрсаткичи (ИБХС <sub>коэф</sub> )			
		2017	2018	2019	2020
<b>Текстиль ва тўқимачилик саноати</b>					
<b>Юқори (80-100%) даража</b>					
1.	«Digital Prime Textiles» МЧЖ	78,2	80,3	81,2	84,0
2.	«Бобур ХБК» МЧЖ	58,9	64,5	75,7	82,6
3.	«Khantex group» МЧЖ	63,2	72,1	73,6	80,5
4.	«Нил Гранит» МЧЖ	65,0	75,4	80,2	86,4
<b>Ўрта (40-79%) даража</b>					
1.	«GLOBAL ORIENT TEXTILES» МЧЖ	62,3	63,3	63,3	66,1
2.	«Хўжабод Гранд текстил» МЧЖ	70,2	74,3	75,2	75,2
3.	«Водий саноат фахри» МЧЖ	73,3	74,0	74,2	74,5
4.	«Хатекс» МЧЖ	70,1	73,1	74,3	72,9
<b>Қуйи (0-39%) даража</b>					
1.	«Чин илҳом» МЧЖ	33,3	36,3	36,3	37,1
2.	«Best tekstile» МЧЖ	35,2	35,0	35,0	33,2
3.	«Хаит текс инвест» МЧЖ	32,2	33,6	34,2	35,3
4.	«Андижон Силк ко» МЧЖ	36,6	36,9	36,8	36,7
<b>Фармацевтика саноати</b>					
<b>Юқори (80-100%) даража</b>					
1.	«Макрофарм Андижон» МЧЖ	75,0	73,2	79,1	89,6
2.	«EVERY PHARMA» МЧЖ	60,1	77,3	78,2	87,8
3.	«Gold Andijon Pharma» ҚК	78,7	83,2	88,1	90,1
4.	«Zamin bio health» МЧЖ	69,3	75,6	70,3	80,0
<b>Ўрта (40-79%) даража</b>					
1.	«Gold Medicine Farm Andijan» МЧЖ	55,3	56,0	57,2	60,1
2.	«Gold Grown Pharma» МЧЖ	48,3	52,2	55,0	55,6
3.	«Soft Care Hy Giene» МЧЖ	44,0	46,6	50,2	53,4
<b>Қуйи (0-39%) даража</b>					
	–	–	–	–	–
<b>Қурилиш материаллари саноати</b>					
<b>Юқори (80-100%) даража</b>					
1.	«Марҳамат метан газ» МЧЖ	50,3	60,2	68,6	80,0
2.	«Sunlight Co LTD» МЧЖ ҚК	–	–	78,7	83,3
3.	«METCO PROF» ХК	78,1	82,2	83,3	85,2
4.	«Элдаз Дизайн» МЧЖ	66,3	71,9	80,2	80,2
<b>Ўрта (40-79%) даража</b>					
1.	«Илғор йигирувчи» МЧЖ	–	55,3	56,0	57,2
2.	«Андижон Козимжон мраморлари» МЧЖ	–	62,3	63,1	63,5
3.	«Qurilish imkon fayz» МЧЖ	62,1	66,6	75,2	81,1
<b>Қуйи (0-39%) даража</b>					
1.	«Мустафо савдо қурилиш» МЧЖ	–	–	33,3	35,1
2.	«BERNINO LYUKS» МЧЖ	–	–	38,6	37,9

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан ҳисобланган.



Таҳлил натижаларига кўра, ўрганилаётган даврда мамлакатимизда қурилиш материаллари саноати корхоналарининг инновацион бошқаруви бошқа тармоқларга нисбатан ўсиш тенденцияси юқори бўлган. Бундан ташқари фармацевтика саноати эса бошқа тармоқларга нисбатан инновацион бошқаруви самарадорлиги юқори бўлган соҳа эканлиги билан ажралиб турса, текстиль ва тўқимачилик саноати корхоналари эса инновацион бошқарув жараёнларининг бир маромда ривожланиб бориши билан характерланади.

Андижон вилоятидаги саноат корхоналари маълумотларидан фойдаланган ҳолда саноат корхоналаридаги инновацион муҳит кўрсаткичлари рейтингини ҳисоблаб чиқамиз. Бунинг учун корхоналарни 18 та индикатор бўйича баҳоладик (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Андижон вилоятидаги айрим текстиль ва тўқимачилик саноати корхоналарининг инновацион салоҳият даражасини рейтинг мезонлари бўйича баҳолари<sup>11</sup>, (2020 йил якунларига кўра)

Корхоналар (j) Рейтинг мезонлари (i)		«Чин илхом» МЧЖ	«Digital Prime Textiles» МЧЖ	«Best tekstile» МЧЖ	«Хўжабод Гранд текстил» МЧЖ	«Бобур ХБК» МЧЖ	«Khantex group» МЧЖ	«Хаит текс инвест» МЧЖ	«Андижон Силк ко» МЧЖ	«Водий саноат фахри» МЧЖ	«Хатекс» МЧЖ	«GLOBAL ORIENT TEXTILES» МЧЖ	«Нил Гранит» МЧЖ	max микдор
		6	8	8	8	8	7	8	8	6	6	9	8	10
1	Инновацион корхона	6	8	8	8	8	7	8	8	6	6	9	8	10
2	Инновацион салоҳият	7	10	10	7	7	6	7	5	5	7	9	10	10
3	Корхонанинг рақобатбардошлик даражаси	5	5	3	3	3	4	5	5	3	3	4	5	5
4	Ишлаб чиқариш даражаси	3	5	4	2	4	4	3	3	3	3	5	5	5
5	Корхонада банд бўлган ишчилар сони	3	3	4	3	4	5	2	3	3	3	4	4	5
6	Ишчи ходимларни меҳнат салоҳияти	4	5	4	3	3	4	4	3	2	2	5	5	5
7	Илмий тадқиқот ва ишланмаларни бажарган ходимлар сони	2	5	4	3	2	4	5	4	2	3	5	5	5
8	Илмий ишланма ва тақлифларни бажарадиган ходимлар сони	4	4	4	4	4	4	4	3	3	3	5	4	5
9	Илмий тадқиқот ва ишланмалар сони	3	5	4	3	3	4	5	3	3	2	4	5	5
10	Илмий тадқиқот ва ишланмаларни бажарган саноат корхоналар сони	4	4	4	3	3	5	4	3	4	4	4	4	5
11	Саноат корхоналари бўйича жорий қилинган технологик инновациялар сони	3	4	4	3	3	4	5	4	2	2	4	4	5
12	Илмий ишланма ва тақлифлар учун харажатлар	3	4	4	3	3	4	5	4	3	4	5	4	5
13	Маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар	3	4	3	3	3	4	4	4	3	4	5	4	5
14	Техника-технологиялар учун инновацияларга харажатлар	2	3	4	2	2	5	4	3	4	4	5	3	5
15	Инновацион фаол корхоналарнинг улуши	2	5	3	2	2	5	4	2	3	4	5	5	5
16	Корхонанинг рентабеллик даражаси	3	4	3	3	4	5	3	4	2	3	3	4	5
17	Корхонанинг меҳнат унумдорлиги даражаси	3	4	4	3	3	5	4	5	3	4	3	4	5
18	Корхонанинг ялпи саноат маҳсулотларидаги улуши	3	3	3	3	3	5	4	4	3	2	4	4	5

<sup>11</sup> Андижон вилояти саноати корхоналарини маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, жадвалдаги ҳар бир мезон бўйича кўйилган балларнинг энг каттасини (max) эталон сифатида белгилаб оламиз ва (2) формулага мувофиқ  $x_{ij}$  ни ҳисоблаймиз. Натижада саноат корхоналари кесимида стандартлаштирилган рейтинг кўрсаткичлари 5-жадвалдаги матрица кўринишида ҳосил бўлади.

5-жадвал

**Андижон вилоятидаги айрим текстиль ва тўқимачилик саноати корхоналарининг инновацион салоҳияти стандартлаштирилган рейтинг кўрсаткичлари<sup>12</sup>**

$i$	$x_{ij}$	«Чин илхом» МЧЖ	«Digital Prime Textiles» МЧЖ	«Best textile» МЧЖ	«Хўжабод Гранд текстил» МЧЖ	«Бобур ХБК» МЧЖ	«Khanter group» МЧЖ	«Хант текс инвест» МЧЖ	«Андижон Силк ко» МЧЖ	«Водий саноат фахри» МЧЖ	«Хатекс» МЧЖ	«GLOBAL ORIENT TEXTILES» МЧЖ	«Нил Гранит» МЧЖ	ТШТТ
1	$x_{1j}$	0,6	0,8	0,8	0,8	0,8	0,7	0,8	0,8	0,6	0,6	0,9	0,8	1
2	$x_{2j}$	0,7	1	1	0,7	0,7	0,6	0,7	0,5	0,5	0,7	0,9	1	1
3	$x_{3j}$	1	1	0,6	0,6	0,6	0,8	1	1	0,6	0,6	0,8	1	1
4	$x_{4j}$	0,6	1	0,8	0,4	0,8	0,8	0,6	0,6	0,6	0,6	1	1	1
5	$x_{5j}$	0,6	0,6	0,8	0,6	0,8	1	0,4	0,6	0,6	0,6	0,8	0,8	1
6	$x_{6j}$	0,8	1	0,8	0,6	0,6	0,8	0,8	0,6	0,4	0,4	1	1	1
7	$x_{7j}$	0,4	1	0,8	0,6	0,4	0,8	1	0,8	0,4	0,6	1	1	1
8	$x_{8j}$	0,8	0,8	0,8	0,8	0,8	0,8	0,8	0,6	0,6	0,6	1	0,8	1
9	$x_{9j}$	0,6	1	0,8	0,6	0,6	0,8	1	0,6	0,6	0,4	0,8	1	1
10	$x_{10j}$	0,8	0,8	0,8	0,6	0,6	1	0,8	0,6	0,8	0,8	0,8	0,8	1
11	$x_{11j}$	0,6	0,8	0,8	0,6	0,6	0,8	1	0,8	0,4	0,4	0,8	0,8	1
12	$x_{12j}$	0,6	0,8	0,8	0,6	0,6	0,8	1	0,8	0,6	0,8	1	0,8	1
13	$x_{13j}$	0,6	0,8	0,6	0,6	0,6	0,8	0,8	0,8	0,6	0,8	1	0,8	1
14	$x_{14j}$	0,4	0,6	0,8	0,4	0,4	1	0,8	0,6	0,8	0,8	1	0,6	1
15	$x_{15j}$	0,4	1	0,6	0,4	0,4	1	0,8	0,4	0,6	0,8	1	1	1
16	$x_{16j}$	0,6	0,8	0,6	0,6	0,8	1	0,6	0,8	0,4	0,6	0,6	0,8	1
17	$x_{17j}$	0,6	0,8	0,8	0,6	0,6	1	0,8	1	0,6	0,8	0,6	0,8	1
18	$x_{18j}$	0,6	0,6	0,6	0,6	0,6	1	0,8	0,8	0,6	0,4	0,8	0,8	1

Ушбу жадвал маълумотлари асосида Андижон вилоятидаги айрим текстиль ва тўқимачилик саноати корхоналарининг инновацион салоҳият кўрсаткичлари асосида рейтинг баҳосини (3) формула орқали ҳисоблаб топамиз. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, саноат корхоналари рейтингини аниқлаш услубиётига кўра  $R_j$  нинг қиймати энг кичик бўлган корхонанинг рейтинг баҳоси энг юқори бўлади. 5-жадвал маълумотлари асосида ҳар бир корхона учун  $R_j$  нинг қийматини ҳисоблаймиз (6-жадвал).

Агар 5-жадвал маълумотларига эътибор берадиган бўлсак,  $R_j$  нинг қиймати энг кичик бўлган корхона «Нил Гранит» МЧЖ ҳисобланади, яъни  $R_1=0,64$  га тенг. Ушбу кўрсаткич «Digital Prime Textiles» МЧЖда 0,72 га,

<sup>12</sup> Муаллиф ишланмаси

«Бобур ХБК» МЧЖда 0,75 га тенг экан. Буларга асосланиб, «Нил Гранит» МЧЖ корхонасини рейтингини энг юқори деб баҳолаш мумкин.

## 6-жадвал

### Андижон вилоятидаги айрим текстиль ва тўқимачилик саноати корхоналарининг инновацион салоҳияти кўрсаткичлари рейтинги<sup>13</sup>

№	Текстиль ва тўқимачилик саноати корхоналари	$R_j$	Рейтинг кўрсаткичи	$R_j$ нинг қиймати энг кичик бўлганда унинг рейтинг баҳоси энг юқори
1.	«Нил Гранит» МЧЖ	$R_1$	0,64	(0-1,0) «инвестицион»
2.	«Digital Prime Textiles» МЧЖ	$R_2$	0,72	
3.	«Бобур ХБК» МЧЖ	$R_3$	0,75	
4.	«Khantex group» МЧЖ	$R_4$	0,81	
5.	«Хўжабод Гранд тестил» МЧЖ	$R_5$	1,01	1,01-1,65 «рақобатбардош»
6.	«Водий саноат фахри» МЧЖ	$R_6$	1,11	
7.	«Хатекс» МЧЖ	$R_7$	1,43	
8.	«GLOBAL ORIENT TEXTILES» МЧЖ	$R_8$	1,63	
9.	«Чин илҳом» МЧЖ	$R_9$	1,66	1,65-2,0 «салоҳият»
10.	«Андижон Силк ко» МЧЖ	$R_{10}$	1,74	
11.	«Хаит текс инвест» МЧЖ	$R_{11}$	1,84	
12.	«Best tekstile» МЧЖ	$R_{12}$	1,90	

Кейинги ўринларни мос равишда «Digital Prime Textiles» МЧЖ, «Бобур ХБК» МЧЖ корхоналар хиссасига тўғри келган.  $R_j$  нинг натижаларига қараб шуни айтиш мумкинки, саноат корхоналаримизда инновацион муҳит шаклланган, лекин инсон омили ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, корхоналардаги инновацион жараёнларни самарали бошқариш, корхоналарнинг рақобатбардошлик даражасини оширишга қартилган бўлади.

Саноат корхонасини инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш хажмини янги технологияларни ўзлаштириш, кадрларни ўқитиш ва квалификациясини ошириш ва корхонадаги прогрессив техникаларнинг ўртача йиллик қийматлари орқали аниқланган омилларни таъсирчанлик коэффицентлари EViews-9.1 дастурий маҳсули ёрдамида аниқланган. Жумладан, саноат корхонасини инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш хажмини 7-жадвалдаги кўрсаткич маълумотлари орқали қуйидагича уч омилли регрессион модели таъсирчан-лик коэффицентлари қуйилган ҳолатдаги умумий кўриниши қуйидагича:

$$\ln(Y) = -0,9 * \ln(YATOX) + 1,5 * \ln(KOKOX) + 0,5 * \ln(KPTOYQ) + 9,8 \quad (6)$$

Саноат корхонасини инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш хажми мультипликатив функция сифатида олинган уч омилли модель натижалари

<sup>13</sup> Муаллиф ишланмаси

қуйидагича аниқланган. Жумладан, детерминация коэффиценти ( $R^2$ ) 0.737 қийматига, Фишер ( $F$ ) мезони 4,667 ( $F_{\text{жадвал}}= 3.48$ ) ва жадвал қийматидан катталиги аниқланди.

### 7-жадвал

#### Саноат корхонасини инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш хажмига таъсир этувчи уч омилли регрессион модели<sup>14</sup>

Метод: Энг кичик квадратлар усули				
Танланма даврлар: 2012-2020				
Қабул қилинган кузатишлар сони: 9				
Ўзгарувчилар	Коэффициент	Стандарт хатолик	t-статистика	Эҳтимоллик
Янги технологияларни ўзлаштириш харажатлари (LN_YATOX_)	-0.992	0.979	-1.012	0.35
Кадрларни ўқитиш ва квалификациясини ошириш харажалари (LN_KOKOX_)	1.489	0.902	1.649	0.16
Корхонадаги прогрессив техникаларнинг ўртача йиллик қиймати (LN_KPTOYQ_)	0.514	0.866	0.594	0.57
S	9.78	1.132	8.639	0.0003
$R^2$ (R-squared)	0.73	Mean dependent var		13.177
Adjusted R-squared	0.578	S.D. dependent var		0.9052
S.E. of regression	0.587	Akaike info criterion		2.0750
Sum squared resid	1.725	Schwarz criterion		2.1627
Log likelihood	-5.337	Hannan-Quinn criter.		1.8858
F-статистика (F-statistic)	4.665	Дарбин-Уотсон ста.		0.9204
Prob (F-statistic)	0.0652			

Бироқ, альфа 0.05 (эркин даража) қиймат билан t-стьюдент мезони жадвалдаги қиймати ( $t=2.2622$ )га тенг регрессия тенгламаси олинган. Жумладан, учта таъсир этувчи омилларни t-стьюдент мезони қиймати  $t_{x_{\text{жад}}}=2,262 > t_{\text{KOKOX}_2}=1.649 > |t_{\text{YATOX}_1}|=|-1.0125| > t_{\text{KPTOYQ}_3}=0.5942$  аниқланган. Дарбин-Уотсон мезони  $d_L$  ва  $d_U$ , ахамиятлилик даражаси  $\alpha=0,05$  бўйича қиёсий таққосланганда  $d_{wL}=0,56 < \mathbf{d_w=0.92} > d_{wU}=2,21$  муносабат ўринлилиги асосланган.

Диссертация ишининг учинчи бобида «**Андижон вилоятида саноат корхоналари инновацион бошқарувини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари**» деб номланиб, ушбу бобда саноат корхоналари бошқарувининг ўзига хос жиҳатлари ва мавжуд муаммолари аниқланган. Шунингдек, саноат корхонасида инновацион самарадорликни ошириш имкониятлари, саноат корхоналарининг инновацион ривожланиш стратегияси ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг устувор жиҳатлари масалалари ёритиб ўтилган.

